

Фикр дурдоналари (16-қисм)



22:02 / 17.03.2017 5662

81. Ҳақиқий қувват нималигини биласизларми?

Қувват – қийин лаҳзаларда хотиржамлигини сақлашингиздир.

Қувват – сиз бахтни ҳис қилмаётган бўлсангиз ҳам, бошқаларга бахтни зоҳир қилишингиздир.

Қувват – йиғлагингиз келиб турганда ҳам, табассум қилишингиздир.

Қувват – қалбингиз эзилиб кетган бўлса ҳам, бошқаларни бахтли қилишга уринишингиздир.

Қувват – машаққатларнинг оғирлигидан бақирингиз келиб турган бўлса ҳам, сукут қила олишингиздир.

Қувват – сиз тасаллига, далдага эҳтиёж сезиб турган бўлсангиз ҳам, бошқаларга тасалли бериб, уларга дардкаш бўлишингиздир.

82. Бир кишидан “Онанг чиройлироқми ёки ойми?” деб сўралди. Шунда у: “Онамга қарасам, ойни унутаман. Ойга қарасам, онамни эслайман” деб жавоб берди.

83. Ичкаридан пок бўлаётганигда: Аллоҳ сенга сен билмаган томондан нур ато қилади. Инсонлар сени сен билмаган томондан яхши кўради. Талаб ва истакларинг сенга сен билмаган томондан келади. Эй Аллоҳ, бизни пок қалб билан ризқлантир!

84. Инсонлардан бирортаси сенинг уларга қилган яхшилигингни инкор қилсалар, сиқилма! Кўчаларни кечалари ёритувчи чироқлар ҳам кундузи унутилади.

85. Инсонларни рози қилиш учун ўзгарма! Инсонларнинг мақтовларига эришиш учун турланма! Муваффақиятсизлик сабабли ўзлигингни алмаштира! Ютуққа эришганинг сабабли кибранма!

Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари), “Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси